

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 19 август
шанба
Сотувда эркин нархда
№ 161 (2458)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

ХАЛҚАРО КУРАШ АССОЦИАЦИЯСИНING FAХРИЙ ПРЕЗИДЕНТИ, ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Хурматли жаноб Президент!
Сизга ўзбек миллий спорт тури — курашнинг халқаро майдонда нуфузи ортиб боришига қўшаётган тенгсиз хиссангиз учун миннатдорчилигимизни билдиришга ижозат бергайсиз. Сиз бошқараётган ташкилот — Халқаро Кураш Ассоциацияси ҳозир дунё бўйлаб ўзининг кўлаб янги аъзоларига эга бўлиб бормоқда ва, биз аминки, Венгрия мазкур кураш оммалаштириш ҳаракатининг фаолларидан бири бўлади.

Ушбу мактубни йўллашдан асосий мақсад, айни пайтда Ўзбекистоннинг жанубий чегараларига қўшни давлат орқали кириб келган бир гуруҳ халқаро террорчиларга қарши олиб борилаётган курашда Сизни ва халқингизни кўлаб-қувватлашимизни билдиришдир. Биз бундай ёвуз ҳаракатни лаянатлаймиз, янги минг йиллик арафасида инсониятнинг ашаддий душмани бўлган халқаро терроризмнинг ҳар қандай кўринишини қоралаймиз.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда дунёдаги энг тинч ва барқарор ривожланаётган давлатлардан бири бўлиб қолаверади. Биз халқингизни терроризм хуружини бартафоз этиб, бу вазиятдан тазроқ чиқиб кетишига тилакдошимиз.

Биз ўзбек курашининг обрўсини янада оширишда Сизнинг ёрдамингизга таянишимизни алоҳида таъкидлашни истар эдик.

Хурмат билан,
Венгрия Дюдо-Кураш
Ассоциацияси раҳбарияти.

ХАЛҚАРО КУРАШ АССОЦИАЦИЯСИНING FAХРИЙ ПРЕЗИДЕНТИ, ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Мухтарам Ислам Каримов жаноблари,
Мамлакатингизда содир бўлаётган кўнгилсиз воқеалардан хабар топган, қаттиқ таъсирландим ва кучли изтиробга тушдим.

1999 йили Кураш бўйича жаҳон чемпионати пайтида Ўзбекистонни кўриш шарафига мўъассар бўлдим ва халқингизга чўқур меҳр қўйдим. Шундай тинчликсевар ва дўстона халққа кимдир ёмонлик соғиниши мумкинлигига ақлим бовар қилмайди. Афсуски, бу бири ҳам дунёда ҳали ёвуз одамлар, шу жумладан, террорчилар оз эмас.

Шуни билишингизни истаймикин, Жанубий Африкадаги барча кураш ишқибозлари ва шахсан ўзим Африка кураш конфедерацияси президенти сифатида Сизнинг тарафингиздамыз ва сизларни кўлаб-қувватлаймиз.

Эзгу тилаклар билан,
Андре ФЕНЧ,
Африка Кураш Конфедерацияси Президенти.

ХАЛҚАРО КУРАШ АССОЦИАЦИЯСИ FAХРИЙ ПРЕЗИДЕНТИ, ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Мухтарам Ислам Каримов жаноблари,
Мамлакатингизнинг террорчилик хуружи билан тўқнаш келганини эшитиш мен учун қўтлмаган ва кўнгилсиз воқеа бўлди.

Утган йили Кураш бўйича биринчи чемпионат даврида ажойиб юртингизга илк бор ташриф буюриш бахтига мўъассар бўлиб, Сизнинг мусобақанинг очилиш маросимида сўзлаган нутқингиздан тинчлик ва демократияни қадрлайдиган, кўшнлири билан ҳам, бутун дунё билан ҳам дўстона муносабатлар ўрнатиш тарафдор бўлган халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этаётганингизни англаган эдим.

Ишонманки, террорчи кўчлар томонидан кўлаб-қувватланаётган бир гуруҳ босқинчилар Ўзбекистон ҳукумати учун ҳеч қандай жиддий қийинчилик туғдирмайди ва у босқинчиларни келган томонига суриб чиқариш ёки йўқ қилишга қодир.

Биз, Бразилия фуқаролари Сиздек доно, Президент сифатида катта таъриб ва билимга эга инсон бундай кўнгилсиз вазиятни бартафоз этишининг тўғри йўлини топа олишингизга ишонамиз.

Жово ШИФЕР,
Бразилия.

ЕХХТ НУҚТАИ НАЗАРИ

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Вальднер август бошидан буюн террорчи ва галамислар гуруҳлари Ўзбекистоннинг жануби — Сурхондарё вилояти, шунингдек, Қирғизистон жанубининг Боткен тумани ҳудудига бостириб кирганини тўғрисидаги хабар юзасидан жиддий ташвишга тушганини билдирди. Бу ҳақда ЕХХТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида тарқатилган матбуот хабарномасида маълум қилинади. Ташкилот раиси халқаро терроризм ва экстремизмнинг барча кўринишларини қоралади ҳамда бундай уринишларга қарши турувчи ҳаракатларни кўлаб-қувватлади.

Уммонга қўйилгай азим дарёлар

Қашқадарё:

ЯНГИ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИДА



Чироқчи туманининг марказида ёши саксонни қоралаб қолган Назар Шукров деган мўъассар яшайди. У киши асли Чиялнинг Чувуллоқ қишлоғидан. Тарихни яхши биладиган одам. Қишлоқдошларининг етти пуштигача айтиб беради. Аслида томирини, ўзлигини англаган одам шундай бўлиши табиий. Намозхон.

Лекин айрим қолларга ўхшаб олди-қочди ҳақида гурунг қилмайди. Қўлидан китоб, газета тушмайди. Яқинда шу киши билан суҳбатда бўлиб қолдик.

«Халқ сўзи»га обуна бўлолмадим. — гап бошлади у. — Кимматлик қилди. Лекин суриштириб, бировдан олиб, ўқиб бораёяман. «Уммонга» қўйилгай азим дарёлар» рухни остида вилоятларга хос хусусиятларни ёзишарди. Маълум. Лекин Қашқадарё ҳақида босқинчи бўлиб керак. — Масалан, қанақа? — Бунини икки оғиз сўзда айтиш қийин, — шундай деганча у олпоқ соқолини сийпалаб оҳиста гапда давом этади. — Амир Темури деганда Қашқадарё тилга олинади. Чунки бу улўғ инсонини дунёга Қашқа замини берди. Амир Темури улўғ амирликларга бўлиниб кетган Ватанимизни бирлаштирди, марказлашган давлатга асос солди. Қардан бир гишт олган бўлса, ўрнига ўн гишт қўйдирди. Битта дарактнинг кестирган бўлса, ўрнига унта кўчат эктирди. Адолат билан иш тутди. Шундай адолатки, агар бирор болақай бошида бир товоқ тилла кўтариб салтанатининг

бу чеккасида нариги чеккасигача борса ҳам биров унга даҳл қилмаган. Шундай тартиб-интизом ўрнатган. Амир Темурининг хизмати фақат шу эмас. Нима учун унга Францияда олтиндан хайкал ўрнатилган. Нега хайкал тагига «Оврўпага халоскорига» деб ёзиб қўйилган? Биласизми? Боязид ҳам унча-мунчага бўйин эгмаган. У Оврўпадаги 6 та давлатнинг бирлашган кўчларини тор-мор қилган. Демак, у Оврўпага даҳшат солиб турган. Шундай пайтда Амир Темури унга енгади. Мана, сизга олтин хайкал қўйилишининг сири. Яна бир гап: Амир Темурининг Тўхтамыш устидан

қозонган галабаси туфайли ўрисларнинг ҳам мўғуллар зулмидан халос бўлишига йўл очилди.

Қолаверса, Амир Темури Осиё билан Оврўпани бириктириб қўйди. «Ипак йўли»ни қайта тиклаган. Мен бу гапларни нима учун айтаяттирман? Амир Темуридай зот нима учун Қашқадарёдан етишиб чиққан? Буюк зотларнинг тарих яратди, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратди, деганларни шу!

Мустақилликнинг илҳами

Ислам Каримов айна шу Қашқадарёда қўйганини одамлар билсин.



ҲАВО ФЛОТИ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида Ҳаво флотини қўйиб бағишланган тантанали мажлис бўлди. Айна бундан август ойининг учинчи акшанбасида нишонланадиган касб байрами билан фуқаро авиацияси ходимларининг уларнинг ҳамкасблари — республикамизнинг темир йўл ва автотранспорт корхоналари ходимлари, авиасозлар ва ҳарбий учувчилар, алоқачилар, хоржий авиакомпаниялар вакиллари қўллаб-қувватлади.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимлари ва мутахассисларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Исаев ўқиб эшиттирди. Табриқда қайд этилганидек, соҳада содир бўлган тўб ўзгаришлар давлатимиз иқтисодий салоҳиятини кўчайтиришга ва халқаро нуфузини оширишга хизмат қилади.

Фуқаро авиацияси кўни муносабати билан Президент Ислам Каримов Фармонида мувофиқ Ўзбекистон фуқаро авиациясининг ходимлари ва мутахассисларидан катта гуруҳи фахрий унвонлар, мамлакатимизнинг ордени, медаллари ва фахрий ёрликлари билан мукофотланди.

Мажлисда авиация соҳасида хизмат кўрсатган ходимларнинг бир гуруҳига давлат мукофотлари топширилди.

(ЎЗА).

Ўзбекистон фуқаро авиацияси ходимлари ва мутахассисларига

Азиз дўстлар!
Авалло, барчангизни касб байрамингиз — Ҳаво флотини қўйиб бағишланган тантанали мажлисда муқаддас элтаман.

Мустақиллик йилларида сиз меҳнат қилаётган соҳада амалга оширилган тўб ўзгаришлар давлатимизнинг куч-қудрати ва халқаро микёсда нуфузи ошишига хизмат этаётгани билан эътиборга сазовордир.

Утган йиллар мобайнида сизларнинг савий-ҳаракатларингиз туфайли турли қитъалар билан ҳаво алоқалари йўлга қўйилгани, олис-олис мамлакатлар билан ҳамкорлик имкониятлари кенгайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Бугунги кунда давлатимиз раҳмалари туширилган замонавий ҳаво кемалари жаҳон бўйлаб парвоз қилар экан, бу барча юртдошларимиз қалбига гурури-ифтихор бахш этади.

Мамлакатимиздаги бир қатор аэропортлар дунё андозалари асосида таъмирланиб, энг замонавий самолётлар билан таъминланаётгани, малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар соҳани янада ривожлантиришга давлатимиз катта эътибор ва аҳамият кўрсатаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон ҳаво флотини эришяётган бугунги ютуқларда сиз, ўз касбининг фидойилари бўлган учувчилар, штурманлар, техник ва муҳандислар, бошқарув ва парвозлар сифатини таъминловчи хизматчиларнинг, соҳа барча ходимларининг муносиб хиссаси борлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Сизлар билим ва тажрибангиз, жасорат ва матонатингиз билан мамлакатимиз қудратини, халқимизнинг эзгу фазилатларини бутун дунёга намойён этмоқдасиз.

Мана шу шарафли ва масъулиятли ишингизда барчангизга омад ёр бўлишини тилайман. Доимо соғ-омон бўлинг, парвозларингиз ҳамиша бехатар бўлсин!

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Фуқаро авиацияси кўни муносабати билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Кўп йиллик самарали меҳнати, халқ ҳўжалиги ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатишига алоҳида ютуқлари, республикада фуқаро авиациясини ривожлантиришга қўйган соқмоқли хиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»
Блиноватов Владимир Николаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси авиацион-техник мажмуаси директори
Иброҳимов Ровшан Зарипович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Махсус авиация ишлари» авиакомпанияси директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»
Эрназоров Абдусатр — Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикасида давлат назоратини бошлиғи муовини
Фуқаро авиацияси соҳасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, мамлакатимизнинг дунё микёсдаги обрўсини юксалтиришга қўшаётган катта хиссаси, халқ ҳўжалиги ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатишига жонбозлиги ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан
Астанов Бахтиёр Давранович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «А-310» ҳаво кемаси учувчилар отряди сардори
Рўзметов Арслон Ғойибович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Бош директори

«Дўстлик» ордени билан
Аргов Владислав Маркович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Р-85» ҳаво кемаси учувчилар отряди сардори
Марғачев Андрей Владимирович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «А-310/Боинг» цехи бошлиғи муовини
Хатыпов Шамиль Фатхович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Боинг» ҳаво кемаси учувчи-йўриқчиси
Шишонков Борис Яковлевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Махсус авиация иш-

лари» авиакомпанияси учувчилар отряди раҳбари
«Шухрат» медал билан
Зокиров Тўлқин Мухромович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Ил-86» ҳаво кемаси сардори
Иброҳимов Аҳмаджон — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси авиацион-техник мажмуаси сифат назорати кафолати бўлими муҳандиси
Илошқин Андрей Константинович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси авиацион-техник мажмуаси «Ил-76» ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш цехи бошлиғи
Колотко Олег Анатольевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Р-85» ҳаво кемаси сардори
Хасаншин Гани Валиевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Махсус авиация ишлари» авиакомпанияси учувчи-йўриқчиси
Чуқанова Гузаля Харисовна — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ўта муҳим парвозлар гуруҳи бортузатувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2000 йил 17 август.

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганини маълум қиламиз.

1991-2000 Қашқадарё: ЯНГИ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИДА

ЛОЛА ВА АНОР ГУЛИ — ФАРОВОНЛИК РАМЗИ

Тарихнинг гувоҳлик беришича, Қашқадарё қадим кулчиликдаги лола ва анор гули кенг қўлланилган ва у рамзий маънога эга бўлган. Лола — баҳор, анор гули — фаровонлик рамзи бўлиб, бу — баҳор келаверади, лолалар очилверади, анорлар битаверади. Ҳаёт абадий давом этаверади, халқимиз ҳеч ким енголмайди, деган маънони аниқлатган. Аслида ҳам шундай. Қаш-

дир. Афсуски, қурғоқчил келган 2000 йилда деярли қор ёлмади, баҳорда осмон ёмғирни азиз қилди, ер нам кўрмади. Бу эса вилоят галлачилигини оғир аҳволга солиб қўйди. Ўн минглаб гектар лалмикор майдонлардан қўтилган самара бўлмади. Бунинг устига, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмади. Сугориладиган ерларда ҳам ҳосилдорлик пасайди. Ишонимиз, қашқадарёликлар йилнинг аччиқ тажрибасидан хулосалар чиқарадилар. Ишлар унғланади. Фалла муста-

132 метр баландликка кўтарилиб, Таллимаржон сув омборига қўйлади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда 200 минг гектар ер ўзлаштирилиб, деҳқончилик қилинмоқда. В и л о я т д а ҳозирги кунда 1700 фермер хўжалиги бўлиб, улар ихтиёрига 45 минг 170 гектар ер берилган. Ҳар йили фермер хўжаликлари сони кўпайиб бормоқда. Шу ҳисобдан янги иш ўринлари очилмоқда. Энг муҳими, ер эгасини топмоқда.



Қашқадарёнинг умумий ер майдони 2 миллион 857 минг гектари ташкил этади. Шунинг 1 миллион 361 минг гектари яйловлардан иборат. Ана шу яйловларда боқилаётган қўй-қўзилар, улардан олинаётган қорақўл терилар жаҳон бозоридан олтин билан баҳоланади. Айниқса, «Муборак» қорақўлчилик-насличилик қишлоқ хўжалик кооператив ширкат хўжалигида тайёрланаётган жаҳон нусха қорақўл териларнинг жаҳон бозоридан олтин билан баҳоланади. Айниқса, «Муборак» қорақўлчилик-насличилик қишлоқ хўжалик кооператив ширкат хўжалигида тайёрланаётган жаҳон нусха қорақўл териларнинг жаҳон бозоридан олтин билан баҳоланади. Айниқса, «Муборак» қорақўлчилик-насличилик қишлоқ хўжалик кооператив ширкат хўжалигида тайёрланаётган жаҳон нусха қорақўл териларнинг жаҳон бозоридан олтин билан баҳоланади.



қадарёда нима кўп — лозор кўп. Нима кўп — анорзор кўп. Айниқса, Мустақиллик йилларида бу соҳага эътибор янада кучайди. Фақат истеъмолчилик нуқтаи назари билан қараб эмас, унинг истиқбол ҳақида ҳам қайғуришмоқда.

Зеро, мамлакатимизда тайёрланаётган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 10,2 фоизи, шу жумладан, пахтанинг 10,6, галланинг 11,1, қорақўл терининг 19 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келиши ҳам шундан далolatдир. Маълумки, Қашқадарё мамлакатимиз буйича энг кўп галла етиштирилаётган вилоят-

қиллигини таъминлашда қашқадарёлик галлакорларнинг ҳиссаси салмоқли бўлиб келди ва бўлаверади.

Ўтган йили вилоятда 505 минг тоннага яқин дон етиштирилиб, давлатга дон сотиш шартнома режаси ошириб бажарилганди. Машҳур галлакор, Касби туманидаги Шароф Рашидов номи кооператив ширкат хўжалиги аъзоси, оилавий пудратчи Файбулла Раҳмонов «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвонига сазовор бўлди.

Қашқадарёда ноёб сув иншоотлари бор. Жумладан, дунёда ягона бўлган 6 та насос станцияси орқали секундига 240 куб метр Амударё суви

ерда неча йилларки, доврғи кетган насли отлар парвартиш қилинади. Бир вақтлар Амир Темурнинг Қунғулони ҳам шу ерда — Яққабодга урчиган бўлса, ажаб эмас. Чунки зотдор отлар бу ерда қадимдан етиштирилади. Бундай отларни бу ерда жуда қадрлашади. Хуллас, Яққабодга Амир Темур бобомиз отларининг насли давом этиб келаяпти. Улар қашқадарёлик чавандозларнинг қанотига айланган.

Хулоса шуки, лола ва анор гули рамзи энди ўзининг асл маъносига эга бўлди. Қашқадарёда ҳақиқий фаровонлик бошланмоқда. Тўғри, қийинчиликлар бор. Улар ўтади-кетди. Лекин Истиқлол абадий қолади. Бинобарин, ўз заминига ўзи эга элнинг фаровонлиги ҳам манғудир.

ерда неча йилларки, доврғи кетган насли отлар парвартиш қилинади. Бир вақтлар Амир Темурнинг Қунғулони ҳам шу ерда — Яққабодга урчиган бўлса, ажаб эмас. Чунки зотдор отлар бу ерда қадимдан етиштирилади. Бундай отларни бу ерда жуда қадрлашади. Хуллас, Яққабодга Амир Темур бобомиз отларининг насли давом этиб келаяпти. Улар қашқадарёлик чавандозларнинг қанотига айланган.

Хулоса шуки, лола ва анор гули рамзи энди ўзининг асл маъносига эга бўлди. Қашқадарёда ҳақиқий фаровонлик бошланмоқда. Тўғри, қийинчиликлар бор. Улар ўтади-кетди. Лекин Истиқлол абадий қолади. Бинобарин, ўз заминига ўзи эга элнинг фаровонлиги ҳам манғудир.



Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида икки кун давом этган «Ўзбекистон — Ватаним меним» қўшиқ байрамнинг якуловчи босқичи ниҳояланди. Биринчи ўрин Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Ором» боғча-мактаби ўқувчилари билан Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамблига берилди. Иккинчи ўринни Ўзбекистон халқ артисти Гуломжон Екубов, Самарқанд вилояти Сиеб туман маданият уйи хонандаси Мамат Нaimов ҳамда Навоий вилоятидаги 2-сонли мактабнинг 5-синф ўқувчиси Суҳроб Қенжаевлар эгаллашди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қозим Қайюмов, Мудоффа

ЖОН ИЧРА ЖОНИМ, ВАТАН!

вазирлиги катта лейтенанти, республикада хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимов, Ички ишлар вазирлиги катта лейтенанти Савриддин Нажмиев учинчи ўрини гўлиблардир. Гўлиблар турли қимматбах ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар. Биз фурсатдан фойдаланиб, уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлдик. **Гуломжон ЕКУБОВ, Ўзбекистон халқ артисти:** — Мен учун қўшиқ байрамида иккинчи ўринни олганим эмас, балки Ватан ҳақида қуйлаганим

муҳим. Кўни кеча матбуотда Ватанимиз хавфсизлиги йўлида жон фидо этган аскарларимиз — 22-23 яшар йигитлар ҳақида маълумот берилди. Ишонасизми, уларнинг расмларини оғизга босиб, ўйиб йиғладим. Гўлиб бўлишимда уларнинг хизмати бекиёс деб биламан. Чунки ҳамма замонларда ҳам Ватани фақат мардлар кўриқлайди. **Қозим ҚАЙУМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:** — Бир томондан гўлиб бўлганимдан қувонсам... Сурхондарё

вилояти худудига суқлиб кирган босқинчилар гуруҳларини йўқ қилишда шайхид кетган юртдошларим — гўлдай йигитлар тақдирдан қуйиндим. Уларнинг номи халқимиз хотирасида абадий яшайди. Тинч ва осойишта кунларимизда уларнинг қолиб кетган ҳақиқ-улғи борлигини унутмайлик. Улар ҳақида «Ватан фидойилари» деб номланган туркум қўшиқлар яратишни кўнглимга тўғиб қўйдим. **«Халқ сўзи» мухбири Гулчехра ЙҮЛДОШЕВА** ёзиб олди.

Кутлуғ байрам арафасида «Кўк» — Марғилон — Андижон — йўналиши бўйича ҳаракатланаётган поездлар сони яна биттага кўпайтирилди. Шуниси эътиборлики, янги йўналиш — катнаётган поездлар асосан тежалган дизел ёнилғиси ҳисобига ҳаракатланапти.

ТЕЖАЛГАН ЁНИЛҒИ ҲИСОБИГА — ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

«Ўзбекистон темир йўллари» акционерлик компаниясининг Фарғона темир йўли идораси тасарруфидаги жамоаларда тежамкорликка алоҳида аҳамият берилаяпти. Поездларнинг қувватидан самарали фойдаланиш, вагонлар айланма ҳаракатини ошириш, худудлар бўйича белгиланган тезликка риоя қилиш, ўз вақтида техник қаров ўтказиш йўлга қўйилганлиги тўғрисида олти ойда 242,4 тонна дизел ёнилғиси иқтисод қилиб қолинди. Натижада 12 миллион сўм маблағ тежаллиб, бошқа мақсадларда ишлатиш имкони туғилди.

Тежамкорлик жамоада асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларидан ҳисобланади. Бу жаҳада энг кичик имкониятлар ҳам назардан четда қолмапти. Илгарилари фойдаланилган мотор мойлари ташлаб юбориларди. Энди эса бу қиқиндиларни қайта ишлаш мосламаси яратилди. Қисқа муддат ичида 21 тонна мотор мойлари тозаланиб, қайта ишланиб, яна фойдаланиш учун истеъмолчиларга қайтарилди. Бу эса жамоага 1 миллион 712 минг сўм иқтисодий самара келтирди. **Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунига бағишлаб «Асака» банки шу йилнинг 21 августидан 31 августигача омонатларнинг янги «ИСТИҚЛОЛ» турини таклиф қилади.

Омонатни «Асака» банкининг исталган бўлимида очишингиз мумкин. Унинг муддати тўрт ой. Омонатга камида 500000 сўм қўйилиши зарур. Унинг максимал миқдори чекланмаган. Омонатга ҳар ойда 6% ёки йиллик 72% даромад тўланади.

Республиканинг ҳеч бир банки ҳали бундай имкониятни бермаган!

«Асака» банки — омонатларингиз сақланиши ва кўпайишининг гаровидир.

Маълумот учун телефонлар: 120-83-91, 120-83-92. Манзилимиз: 700015, Тошкент ш., Нукус кўч., 67. Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига қарашли МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

БАРЧА ВАТАНДОШЛАРНИ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 9 ЙИЛЛИК АЙЁМИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТИШАН БАХТИЁРАИР.

Халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган Озодлик ва Эркинлик даври барчамизнинг ҳаётимизни, йўлларимизни ёритди. Умримизга мазмун олиб кирди. Биз гўзал ва озод юртимиз келажакка, бунёдкор халқимиз эртасига қаттиқ ишонамиз. Зеро, бизга бу ишонччи буюк тарихимиз, ижодкор бугунимиз бағишламоқда. Мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган улкан ўзгаришлардан, бунёд бўлаётган муҳташам иншоотлари гўзаллашиб бораётган юртимиз чиройидан чинакам ҳайратдамиз.

Азиз ватандошлар!

Барчангизни улғз айём билан қутлар эканмиз, Сизларга оилавий бахт, юртимизга тинчлик-тотувлик, фусункор мамлакатимизни янада гуллаб-яшнатиш йўлидаги касб-корингизга зафарлар тилаймиз. Илоё, Озодлигимиз мангу бўлсин. Азиз Ватанимиз дунё тургунча турсин. Эл-юртимиз ҳаммаша омон бўлсин. Халқимизни, тупроғимизни гараз кўзлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин. Миллатимизнинг шон-шухрати зиёда бўлсин!

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!


**ОҚҚАН ДАРЁ
ОҚМАСДАН ҚОЛМАС**

Мамлакатимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан доврўғ солган улўғ зотлар кўп. Уларнинг ҳар биридан фахр тўямиз, ифтихор қиламиз.

Хусусан, ҳар тонгда эшитажимиз мустақил Ватанимиз мадҳиясини қашқадарлик ҳамюрт шоиримиз Ёзгани билан мақтаниб кўямиз. Ўзбекистон чемпиони Сарвиноз Эргашева, Нодира Нодиржонова каби шохмотчи қизалоқлар Қашқа воҳасининг эканлигини ҳар икки гапнинг бирида айтмиш. Ғузорлик Баҳром Авазовнинг Анталияда халқаро ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпиони бўлганлиги гурунглари бебайди. Яна гурунғ берамизки, шундай одамлар аввал ҳам бўлганми? Булоқлар бор эди, салоҳият бисёр эди. Фақат уларнинг кўзлари бе-



**Қашқадарё:
Янги ҳаёт
Йўлларида**



китилганди. Мустақиллик уларнинг кўзини очди.

Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлари билан табарруқ ва муқаддасдир. Қашқадарёда ҳам бундай зотлар кўп ўтган. Биргина Насаф шаҳрида юзлаб Насафийлар етишиб чиқиб, доврўғ таратганлиги тарихдан яхши маълум.

Қашқадарё тупроғида Хўжа Шамсиддин Кулол, хазрати Башир, хазрати Султон ота, Султон Мирхайдар, Лангар ота каби унлаб зибраттоҳ ва муқаддас қадамжолар бор. Лекин,

Истиқлол йилларида Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур хайкали ўрнатилган, у энг кутлуғ, энг гавжум қадамжого айланди. Нега? Чунки у — Озодлик рамзи. Юртбошимиз айтганидек, «Мамлакатимиз Истиқлолга эришган, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланган. Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир».

Қашқадарёликлар ўзларининг шавкатли аждодлари билан фахрланадилар. Шу билан бир қаторда ўзларидан келгуси авлодларга яхши ном қолдиришни ҳам ўйлайдилар. Шунинг учун муаррих Поён Равшанов «Қашқадарё тарихи»ни битди. Эски манбалардан бири — «Темурийнома»ни

нашр эттирди. «Ўзбекистон янги тарихи»нинг 1-жилдини ёзишда қатнашди. Нима учун у бу қадар фидойилик билан заҳмат чекмоқда? Мақсади — тарихий ҳақиқатни халққа етказиш. Шу тариқа Истиқлолнинг пойдор ва абадий бўлишига кўмаклашиш.

Қашқадарёнинг «Мулоқот» ва «Эски мачит» театр-студиялари нега мамлакатимиздан ташқарида — Германия, Англия, Миср каби хорижий давлатларда бу қадар шўҳрат топди? Нуфузли халқаро фестивалларда қатнашиб, совринли ўринларни олмақда? Сабаби аён. Элға, юртға муҳаббат! Истиқлолга садоқат! Ана шу туйғуни санъаткорона тарзда оммага етказётганликлари учун ҳам улар қадр топа оли-

дами, кундуздами, кечдами уларға боринг, қўлларида ракетка тутган йиғит-қизларни кўрасиз. Бу ёш авлодини соғломлаштириш ишининг амалдалиги аломати. Соғлом авлод йилда спорт-соғломлаштириш ишлари янада кенг қулоч ёймоқда.

Сўзимизни мухтасар қилиб, бир нарсани таъкидлашни истардик. Қашқадарё — бамисли олтин кон. Неъматдан Худо берган. Одамлари ҳам шунға монанд меҳмондўст, қўли ҳам, кўнгли ҳам очик, мард, танти. Бу бор гап. Яна шуниси ҳам борки, хали Истиқлол берган имкониятлар тўлиғинча ишға солинганлиги. Агар вилоят раҳбарияти, элнинг бошини қовуштириб, эзгу ишларға бошласа, ўйлаимизки, Қашқадарёни таниб бўлмай қолади. Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимизнинг билдирган фикр-мулоҳазалари, кўрсатган йўл-йўриқлари, асосатта ҳаёт бу ерда шундай бўлишининг кафолатидир. Қашқадарёлик кўксалар гоҳо гап орасида йилларға «Кўп ема-сак, озроқ ермиш, яхшироқ кийинмасак, мундайроқ кийинармиш, аммо Мустақилликимизни Худо кўп кўрмасин, шўкур қилинлар» дейишади. Бу гапда олам-олам маъно бор. Шўкур қилиб, эртанги кундан умидвор бўлиб яшашдан, эркин, озод Ватанда бор қобилиятни намоён қилишдан, бола-чақангнинг келажакини, хузурини кўришдан ўзға саодат борми?

Михли САФАРОВ,
Нарзулла РАВШАНОВ,
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
(суратлар)

«Халқ сўзи» мухбирлари.

Қўлёмалар Маркази

Буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасига зиёратға келувчилар мутасил кўпайиб бораётти. Яқинда Имом ал-Бухорий халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан «Қадимий қўлёмалар маркази» ишға туширилди. Уни ташкил этишдан мақсад, халқ қўлидаги эски қўлёмаларни сотиб

олиш, жамлаш, ўрганиб нашр этиш. Ҳозирғача тўпланган ноёб қўлёмалар компьютерлар хотирасига жойлаштирилди. Компьютерлар эса «Интернет» тизимига уланган. Демак, энди улардан дунёнинг исталган жойида фойдаланиш мумкин.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорға боғча қуриш чикора

— Истиқлол тадбиркорға имконият ўфқларини очиб берди. У бундан фойдаланиб иқтидорини кўз-кўз қилимоқда. — дейди Учиндаги «Ал-Жаҳон» ўзбек-хитой хусусий қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари Юсуфжон Мўминов. — Чой кадоқлашни изчил йўлга қўйиб олганимиздан сўнг инфратузилма иншоотлари қурилишиға ердан қўлини чўздик.

Яқатут маҳалла гузарини савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари билан тўлдирган корхона байрам арафасида маҳалла кичиктоилари учун 120 ўринли болалар боғчаси қуриб берди. Бунинг учун ўзи топган фойдадан 15 миллион сум маблағ сарфлади.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**




**2000 йил 1 августдан
бошлаб ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
ТўЛОВИ УЧУН Янги
ТАРИФ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.**

Янги тарифға кўра, маиший эҳтиёлларға аҳоли учун электр энергияси қиймати **1 кВт/с учун 4 сўм 70 тийин**, электроплиталар билан жиҳозланган уйларда яшовчилар учун эса **2 сўм 35 тийинни** ташкил этади.

Электр энергияси тўловлари бўйича ўрнатилган имтиёзлар сақланиб қолади.

**2000 йил 28 августгача СИЗ
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТўЛОВЛАРИ БўЙИЧА
ҚАРЗЛАРИНГИЗНИ ЭСКИ ТАРИФ БИЛАН,
3 Сўм 50 тийин ҲИСОБИДАН
АМАЛГА ОШИРИШИНГИЗ МУМКИН.**

Тошкент шаҳар
электр тармоқлари корхонаси.



БИЗГА 3 йил!
**БИЗ СИЗ БИЛАН ВА СИЗЛАР УЧУН
ҲАР КУНИ, ҲАР СОНИЯ ВА ҲАР ОН.
МИННАТДОРМИЗ СИЗЛАРДАН ДЎСТЛАР,
БАХТ ВА ОМАД СИЗГА БЎЛСИН ЁР!**



Телефонлар:
100-00-15,
100-00-16
Факс:
100-98-98,
120-63-78

**«ХАЛҚ СЎЗИ»
НАРОДНОЕ СЛОВО**
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худоев, И. Шогуломо, О. Қанибергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716. 18918 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А-2
Газета IBM компьютерида териял ва операторлар
Сергей ЛУКНИН ва Жамил ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материал-
лар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов,
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санев,
Навбатчи — Н. Тошев,
Муасхих — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишға топириш вақти—21.00
Босишға топирилади: 21.40 1 2 3 4 5 6